БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 242 (16.628). | 15 октябрь 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ А. П. КИРИЛЕНКОГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Суратда: мукофотни топшириш пайти

В. Мусаэльян ва В. Егоров фотоси (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ А. П. Кириленкога 14 октябрь куни Кремлда Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

Ўртоқ А. П. Кириленко Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний топширди.

Мукофотни топшириш маросимида залда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Мукофотни топшираётиб Ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз Андрей Павлович!

Азиз ўртоқлар!

Биз бугун Андрей Павлович Кириленкога Ленин ордени билан бирга иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширмоқдамиз. У Коммунистик партия, Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ана шу мукофот билан тақдирланганди.

Қадрли Андрей Павлович! Биз ҳаммамиз, сенинг ўртоқларинг ва дўстларинг ленинчи партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табриклари, дўстона ва самимий табрикномани ва Олий Совет Президиумининг мени Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини юбилейим кунида зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдим.

Қалбимга азиз бўлган табрикномада ва Олий Совет Президиумининг Фармонида партиямиз билан давлатимиз олдидаги менинг хизматларимга ғоят юксак баҳо берилган.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси сингари мен учун ҳам хизматларини ленинчи партиямиз ва севикли Ватанимиз эътироф этишидан кўра каттароқ бахт йўқ.

Хизматларимга бу қадар юксак баҳо берилганлигидан беҳад бахтиёрман ва бу билан фахрланаман. Мен бу баҳони ленинчи Коммунистик партиямизга берилган баҳо деб ҳисоблайман. Мен сафларида 46 йилдан буён бўлиб келаётган шу партия мени ўз Ватанимга садоқат билан астойдил хизмат қилиш, ўз халқим — қаҳрамон халқ бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш рухида тарбиялади.

Мен учун тантанали бўлган шу кунда меҳнатимга берилган юксак баҳо учун партиямиз Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиуми билан ҳукуматига ва ҳаммамизнинг азизимиз шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Мен учун унутилмас шу кунда Марказий Комитетни, шахсан Леонид Ильични ва унинг Сиёсий бюродаги барча сафдошларини ишонтириб айтаманки, юрагимнинг сўнгги уришигача ўз партиямга, унинг Марказий Комитетига ва халқимга бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоламан. Мен Улуғ Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қила бераман.

Азиз Леонид Ильич, имкониятим — юбиляр сифатида аввало шуни айтмоқчиманки, мен учун мана шу қувончли ва унутилмас кунда сен, Леонид Ильич, биз билан — дўстларинг билан бирга эканлигингдан беҳад бахтиёрман, шу дўстларинг йигирма йилдан буён сенинг доно раҳбарлигингда самарали ишлаб келмоқдалар.

Шу вақт ичида мамлакатимизда ва жаҳонда буюк ўзгаришлар рўй берди. Партиямиз ва мамлакатимизда уларнинг турмуши ва фаолиятидаги ленинча принциплар қайта тикланиб, мустаҳкамланди.

Шу вақт ичида ҳаммадан кўра сен Ватанимиз билан унинг халқлари улуғворлигини шу қадар юксакликка кўтардинг ва жаҳон тараққиётини кескинликни юмшатиш ва ер юзида мустаҳкам тинчликни қарор топтириш сари шу қадар донишмандлик билан ўзгартирдинг, бунинг учун сен, Леонид Ильич, планетамиздаги миллион-миллион кишиларнинг чуқур меҳр-муҳаббатига қонуний равишда сазовор бўлдинг.

Азиз Леонид Ильич, ҳозирги вақтда сенинг толмас фаолиятингга бутун дунёнинг диққат-эътибори қаратилганлиги ҳаммага маълум, Ватанимиз билан бутун инсоният учун ҳанчалик кўп иш қилганлигинг ва қилаётганлигинги жаҳонда ҳамма яхши билади.

Мамлакатимизда ва чет эллик дўстларимиз Леонид Ильичнинг сўзларида умидворлик, тинчликнинг келгусидаги муваффақиятларига ишонч жўш уриб турибди, бу сўзларнинг самимийлиги янгидан-янги ташаббуслар ҳамда амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда, деб айтмоқдалар ва шундай деб ёзмоқдалар.

Партиямиз ва халқимиз сенинг олижаноб меҳнатингга зўр қонуний фахланиш ҳислари билан юксак баҳо бермоқдалар ва сенинг барча ташаббусларинг ҳамда ғояларингни зўр садоқат билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Партия билан халқ сени севади, Леонид Ильич. Одамийлигинг ва самимийлигинг учун, доюлигинг ва ленинизмга чексиз содиқлигинг учун севади.

Сенинг бутун ҳаёт йўлинг, доюлигинг ва истеъдодинг замонамизнинг фақат буюк кишисига, партиямиз ва Ватанимизнинг барча халқлари йўлбошчисигагина хос бўлган партия ва давлат арбобининг ана шундай қимматли фазилатларини ўзингда жамлаб, мужассамлаштириш имконини берди.

Леонид Ильич, сенинг шундайлигингдан ҳаммамиз ҳурсандмиз, азиз дўстимиз, биз ҳаммамиз сенга сиҳат-саломатлик ҳамда меҳнат ақлининг қувончи ва бахтига яна кўпдан-кўп йиллар ана шундай бўлиб қолишингни тилаймиз.

Азиз Николай Викторович! Менга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшира туриб, менинг ҳақимда, ҳаёт йўлим тўғрисида қизғин, дўстона ва самимий сўзлар айтганлигинг учун сенга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Бунинг учун сенга катта раҳмат.

Менинг ҳаёт йўлим — Ватанимиздаги миллион-миллион коммунистлар ва меҳнаткашлар босиб ўтган йўлдир. 70 йиллик ҳаёт йўли қисқа йўл эмас, лекин унчалик катта ҳам деб бўлмайди. Яхшики, мамлакатимизда бу ёш фақат ўрта ёш ҳисобланади.

Менинг бутун онгли ҳаётим Ленин комсомоли ва улуғ ленинчи партиямиз билан боғлангандир. Улар мени ҳозир кўриб турганингиздек улғайтириб, волга етказдилар.

Мен 1920-йиллардан бошлаб, ҳунар-билим юртини тамомлаб чиққанимдан кейин заводларда ва шахтада слесарлик қилдим. 30-йилларда, олий ўқув юртига тайёргарлик курсидан ўтиб, студентлик ҳаётини, сўнгра авиация заводида инженер-конструктор ва завод район комитетининг партия ходими, шундан кейин эса область партия комитети ходими ҳаётини бошдан кечирдим.

40-йилларда, Улуғ Ватан урушининг бошланғич даврида армия ҳарбий кенгаши аъзоси сифатида урушнинг машаққатлари ва шафқатсизлигини кўриб билдим. Сўнгра Ватан урушининг шундан кейинги йилларида авиация саноати заводларида давлат мудофаа комитетининг вакили сифатида душман устидан галаба қозонишга ўз ҳиссамни қўшдим.

Душманга қарши ҳал қилувчи ҳужум ва уни тор-мор қилиш йилларида мен яна партия ишига қайтиб келдим — маълумки, Украина ва Уралда область партия комитетларининг секретари бўлиб ишладим. Уралда Марказий Комитетдаги масъулиятли ишга — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва секретари қилиб сайлангунга қадар ишладим.

Мен ўзимнинг бутун онгли ҳаётимда улуғ Ленин таълимотига астойдил содиқ бўлиб келдим.

20-йилларнинг бошларидан мен комсомол сафларида, сўнгра партияда тарбияландим.

Партиямиз сафида бўлган 46 йилдан 38 йили давомида уруш йилларини қўшган ҳолда партиявий ишни адо этиб келмоқдаман. Ана шу ҳамма йиллар мобайнида мен қаерда ва ким бўлиб ишламай, ўз кучимни, тажрибамни ва билимимни партиям билан халқимга виждонан хизмат қилишга бағишладим.

Мен яна бир бор ишонтириб айтаманки, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат олижаноб ишга ҳаётимнинг охиригача астойдил содиқ бўлиб қоламан.

Бутун партиямиз билан, Леонид Ильич бошчилигидаги партиямиз Марказий Комитети билан бирга бутун дунёда тинчлик учун кураша бераман.

Менга билдирилган юксак ишонч учун азиз Леонид Ильич, сен бошлиқ ленинчи Марказий Комитетга ва Сиёсий бюрога сидқидилдан раҳмат, мен бу ишончни оқлаш учун ўзимнинг бутун ҳаётимни бағишлайман.

* * *

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари ўртоқ А. П. Кириленкони Ватаннинг юксак мукофоти билан қизғин ва самимий табриклайдилар, унга сиҳат-саломатлик, Коммунистик партия, совет халқининг бахт-саодати йўлидаги самарали ишларида янгидан-янги катта муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТУРСУНОЙ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

Чиноз районидаги Киров номли колхозининг бригадири, Ленин мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова «Ўзбекистон» маркали машина бункеридан 450 тонна пахта тўкиб, бу соҳада ўз зиммасига олган мажбуриятини бажарди.

КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетига
ЎРТОҚ Г. А. АЛИЕВГА
Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумига
ЎРТОҚ К. А. ХАЛИЛОВГА
Озарбайжон ССР Министрлар Советига
ЎРТОҚ А. И. ИБРОҲИМОВГА

Республика колхозчиларини, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, қайта ишлаш саноатининг, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган катта ғалаба билан — давлатга пахта, ғалла, узум, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва чой барги сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан самимий табриклайман.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга рекорд ҳажмда деҳқончилик маҳсулотларини сотишга эришилганлиги — Озарбайжон меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди қарорларини амалда рўёбга чиқаришга қўшган ажойиб ҳиссасидир. Бу — партиянинг аграр сиёсатини огишмай амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг фидокорона меҳнати, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари сиёсий ва ташкилотчилик ишини жўшқинлик билан олиб борганликлари натижасидир.

Аминманки, қишлоқ меҳнатчилари деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини янада ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашни янада зўр гайрат билан авж олдириб юборадилар, республика қишлоқ хўжалигини интенсивлаш вазифасининг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдилар.

Азиз ўртоқлар, қишлоқ хўжалик йилини намунали якунлашингизни, чорва қишловига яхши тайёргарлик кўриб, уни уюшқоқлик билан ўтказишингизни, барча планларни ва республика қишлоқ хўжалиги, саноати ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари қабул қилган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.
1976 йил 14 октябрь.

ОЗАРБАЙЖОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта, узум, мева, полиз маҳсулотлари, чой барги сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажардилар. Ғалла ва сабзавот харид қилиш мажбуриятлари ҳам анча ошириб адо этилди.

Қабул қилиш пунктларига ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналарига 503 минг тонна пахта, 346 минг тонна ғалла, 694 минг тонна узум, 75 минг тонна мева, 580 минг тонна сабзавот, 23 минг тонна полиз маҳсулотлари ва 13 минг тоннадан кўпроқ кўк чой барги етказиб берилди, бу эса 1976 йил учун белгиланган харид ҳажмидан анча кўпдир.

Тайёрлаш ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимлари ўз мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Улар келтирилаётган бутун маҳсулотни узлуксиз қабул қилиб олишни уюштирдилар. Саноат корхоналари, транспорт ташкилотларининг коллективлари, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари ҳосилни йиғиштириб олишда ва ташишда катта ёрдам бердилар.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш давом этмоқда. Қўшимча равишда камида 30 минг тонна пахта сотилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ меҳнатчиларн ўз куч-ғайратларини барча дала ишларини тез ва сифатли тугаллашга, чорва қишловига муваффақиятли тайёргарлик кўришга ва ўтказишга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратмоқдалар.

БУТУН КУЧ — ЙИҒИМ-ТЕРИМГА!

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

РОМИТАН («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Райондаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози пахтакорлари чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини машиналар гарданига ортмоқдалар. Натижада агротехника тадбирлари энг қулай фурсатларда ўтказилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирилмоқда. 1976 йилда ҳам шундай қилинди. Унинг натижасини меҳнат аҳли натта «оқ олтин» хирмони жилосида кўриб турибди.

Совхоз коллективи она-Ватанга ҳар гектар майдондан 32 центнердан пахта ҳосили териб олди, она-Ватанга 12.200 тонна пахта етказиб берибб, йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарди.

Механик-ҳайдовчилардан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳим Нарзуллаев, Неъмат Адизов, Мунаррама Фузаилова, Эргаш Йўлдошев, Умар Режабов, Гулсора Салимовалар бункерлардан 190-360 тоннадан дурдона тўкдилар. Машина териши қизғин давом эттирилмоқда.

Совхоз меҳнат аҳли ялпи пахтани 14.000 тоннага етказиш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилди.

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; бешинчи устун—шу жумладан машинада.

Тошкент	1,30	1,35	97,88	111,19
Андижон	1,20	2,02	86,34	88,77
Сурхондарё	1,34	1,65	83,34	93,23
Жиззах	2,00	1,57	79,69	87,02
Қашқадарё	1,59	2,29	77,54	71,71
Наманган	1,50	2,10	76,22	82,09
Бухоро	1,01	1,52	74,06	67,24
Сирдарё	2,09	2,44	73,79	90,60
Фарғона	1,63	1,80	73,30	46,08
ҚҚАССР	1,53	2,00	68,43	53,23
Самарқанд	2,30	3,00	68,05	62,87
Хоразм	1,27	1,88	58,37	43,06
Республика бўйича:	1,54	1,98	76,52	75,40
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	1,01	—	61,87	—
Сурхондарё	1,53	—	61,27	—
Қашқадарё	1,92	—	59,74	—
Бухоро	1,03	—	35,91	—
Республика бўйича:	1,59	—	57,02	—

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга шоли сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Тошкент области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юсупов, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Носиров;

Бўка райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Кодиров, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Содиқов, район қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Пайшанов;

Юқори Чирчиқ райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исроилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирсолиҳов, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қўшмонов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Ткачев;

Ўрта Чирчиқ райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шосолиҳов, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирёқубов, район қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Пак.

Тошкент области шоликорларининг меҳнат ғалабаси

Тошкент областининг шоликорлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мўл ҳосил етиштиришга ва давлатга шоли сотиш топшириғини муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига планда белгиланган 27 минг тонна ўрнига 32 минг тоннадан кўпроқ шоли етказиб берилди. Давлат омборларига жами қариб 102 минг тонна дон топширилди, бу эса 1976 йил учун белгиланган умумий харид қилиш ҳажмидан 37 минг тонна кўпдир.

Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районларининг шоликорлари давлатга шоли сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги», Қуйи Чирчиқ районидаги Калинин номли ихтисослаштирилган совхозларнинг шоликорлари область қўлга киритган меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», Бўка районидаги Тимирязев номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозлари ҳар гектар ердан 63 центнер ва ундан ҳам кўпроқ шоли ҳосилини йиғиштириб олдилар, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг Раиса Хегай бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 75 центнердан шоли янчиб олдилар.

Ҳозирги вақтда область қишлоқ хўжалиги ходимлари, партия ва совет органлари бутун куч-ғайратларини мўл пахта ҳосилини, мева-сабзавот маҳсулотларини тезроқ йиғиштириб олишга ва бошқа кузги дала ишларини жадал тугаллашга, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштиришга ва тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратмоқдалар.

ҚАЛБЛАР ТУТАШГАНДА...

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Республикамизда катта муваффақият билан ўтаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунларининг бир группа қатнашчилари Сурхондарё областига ташриф буюрдилар. Меҳмонларни Сариосиё районн аэропортида пахтакорлар, қурилиш, транспорт, саноат корхоналарининг ишчилари ва зиёлиларнинг кўпдан-кўп вакиллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар. Қардошларга нон-туз тутилди.

Ҳурматли меҳмонлар Денов пахта тозалаш заводида, шу райондаги жанубий Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва субтропик тажриба станциясида бўлишиб, ишчилар ва боғбонлар билан суҳбатлашдилар.

Кечқурун область музикали драма ва комедия театрида митинг бўлди.

* * *

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон АССРда Россия Федерацияси маданияти байрами давом этмоқда. Меҳмонлар бугун эрталаб Ўрта Осиёнинг буюк олими Абу Райҳон Беруний туғилиб ўсган районга келишди.

Меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида Тўрткўл районида бўлишиб, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштираётган механизаторларнинг таниқли вакиллари билан учрашдилар. Дўстлик ҳақидаги қизғин гурунгда иштирок этдилар.

Қорақалпоқ диёрида бошланган тантана Хоразм областида давом этади.

* * *

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). РСФСР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларидан бир группаси Андижонга келди. Азиз меҳмонлар Ленин районидаги «Социализм» колхози чегарасида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Фарғонадан ўтган делегация составида таниқли ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар бор. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхозининг аъзоси, Улуғ Ватан уруши инвалиди Мирзааҳмад Бобохонов ҳурматли меҳмонларни ўз уйига таклиф қилди.

Россиялик меҳмонлар Ленин районидаги «Коммунизм» колхозига ташриф буюришди. Шундан кейин улар Андижон область партия комитетида қабул қилинди. Обкомнинг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев меҳмонларга 605 минг тонналик хирмон яратиш ишқида курашаётган воҳа меҳнаткашларининг ажойиб ишлари, область экономикаси ҳақида гапириб берди.

Кунниинг охирида шаҳардаги Охунбобоев номли кинотеатр биносида дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Кеча охирида РСФСР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчилари иштирокида концерт берилди.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАЙДИ

ДЎСТЛАР ИБРАТИ

● ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРНИНГ ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

● КОМСОМОЛ-ЕШЛАР — ҲАММАГА ЎРНАК

● КИШИЛАРНИ ЧИРОЙЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР БИЛАН КИЙИНТИРАЁТГАНЛАР

Кираверишдаги йўлак одамлар билан гавжум. «Кўргазма тахтаси»да янгидан-янги ёзувлар, янгидан-янги хабарлар пайдо бўлибди. Булар орасида катта-катта ҳарфлар билан ёзилган сўзлар яққол кўзга ташланади. «Сапура Зокирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги билан табриклаймиз». Бундан пастроқда эса бригада аъзоларининг исм-фамилиялари ва шу фамилиялар рўпарасида план-топшириқларининг бажарилиш процентлари ҳам қайд этилган. Лекин қизларни яна бир нарса жуда хурсанд қилиб юборди. Бригаданинг энг кичик аъзоси Мукаррам Раҳматованинг фамилияси рўпарасида «110 процент» рақами гўё чақнаб тургандек туюлди.

Тўғри, бу рақам кўпчилик тикувчилар эришадиган оддий бир марра бўлса ҳам бригаданинг энг ёш тикувчиси, яқин-яқингинада ҳам ишнинг ҳадисини ололмай юрган ёш бир шогирд учун катта ғалаба эди.

— Ютуқларинг билан табриклаймиз, сени Мукаррам! — қувонч билан юзланишди қизлар унга ва бирма-бир бағриларига босишди.

Бутун бир бригадани ўз меҳнати билан қувонтирган қизнинг қалбини ҳам оламолам севинч ҳис-туйғулари қамраб олган эди. Шу-шу бўлдию, меҳнатнинг қадрини, унинг ҳаётбахш кучи, илиқ тафти, истиқбол сари ундовчи ажойиб қудратини сеза бошлади. Шунда у фабрикага ишга келган дастлабки кунларни ва ойларни ногаҳон эслади. «Наҳотки, наҳотки мен ҳам яхши ишчи бўлиб қолган бўлсам», ўйларди у.

Мукаррам Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасига тўппа-тўғри билим юртидан ишга келган. Билим юрти билан ишлаб чиқариш орасидаги баъзи тафовутлар дастлаб уни бир оз довдиратиб қўйди. Аввало бу ердаги қизғин меҳнат, сўнгра машинада шаҳдам ишлаётган қизларнинг шижоати, эпчиллиги ва чаққонлиги кўзини қамаштириб юборгандек бўлди. «Мен ҳам шулар сингари ишлай оларманкан-ман, ёки ҳаммага майна бўлармиканман» деб ҳаёлидан ўтказди у. Ахир билим юрти машғулотларида унинг муваффақиятлари чакки эмас эди-ку. У ерда ҳамма нарсага қўли келар, уқуви тузук эди. Бу ерда энди қандай бўларкин? Мукаррам шу кайфиятда ишга киришиб кетди. Дастлаб иши бир оз юришгандек бўлиб туюлса ҳам, ҳа деганда, йўлга тушиб кетолмади. Унинг қулоқлари остида шу ерда биринчи бор «бран» сўзлари такрорланди. Шунда мастернинг насиҳатомуз юзи, ораклари қаприқиб кетади.

— Тез ишлайман деб буёғини чатоқ қилиб юборма сингилим, ҳозир фақат оз ишласанг ҳам яхши тикишга ўрган.

Ишдаги камчиликлари уни анча гангитиб қўйди. Мендан тикувчи чиқмас экан, деган фикрга ҳам келди. Лекин унга бригададаги дугоналари кўмакка келишди. Шахсан бригадир Сапура Зокировани ўзи бир неча бор эринмасдан, вақтини қизғанмасдан қизга тикувчиликнинг ўзига хос сирларини ўргатди. Чунончи, вақтни тежашни, қандай қилиб бир операцияда икки ишни бажариш, ёқани қандай қилиб қайириш, енгларни қай усулда ўтказиш ва бошқа шунинг сингари мураккаб операцияларни унинг кўз олдида бажарди ва унга ҳам шу усулда ишлашни кўрсатиб, ўзи эса кузатиб турди. Шундан сўнг артасига у биринчи бор, ҳа биринчи бор, кундалик топшириқни бажаришга эришди. Бу воқеа ҳамон унинг кўз олдидан кетмайди. Энди эса унинг бригадасидаги дугоналари меҳнатдаги ютуқлари билан мубораквод этмоқдалар. Бу қандай мароқли, қандай ёқимли ахир, қишига.

Фабрикада илғор бригада ва участкалар жуда кўп. Лекин Сапура Зокирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг иши бутун коллективга намуна бўлиб қолган. Бу коллектив ўзининг жуда кўп шоили ишлари билан аввалларн танилган эди. Бригадага уюшган қизларнинг деярли ҳаммаси бир-биридан чаққон, бир-биридан эпчил. Улар ўртага ташлаган шиор ҳам ҳамманинг эътиборини тортади. «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ ишчи бўлмайди!». Ёшлар коллективи шу шиор байроғи остида барака-ли меҳнат қилмоқда. шу шиор туфайли коллективда дўстлик, ўртоқларча муносабат камол топди, шу шиор туфайли қизларнинг бир-бирларига яқиндан ёрдам бериб туриш фазилатлари кучайди, коллективнинг ҳар бир аъзоси учун масъулиятни сезиш ҳисси шаклланди. Буларнинг ҳаммаси янгона мақсадга қаратилган: — совет кишиларининг дидларига мос кўплаб чиройли, бежирим кийим-кечаклар етказиб бериш. уларнинг чин қалб ташаккурларини олиш учун интилишдир.

Илғорларнинг меҳнати ва намунаси билан, барча ишчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли фабрикада қатор янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда. Унинг учун беш йилликнинг дастлабки йилини қувончли натижалар билан якунлаш учун курашда фабрика коллективи кўрсатаётган жонбозликлар туфайли кўпдан-кўп ғалабаларга эришилди. Бу ишларнинг барчасида ғайратли, шижоаткор қизларнинг меҳнатлари ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

Я. ТЎХТАЕВ.

Урта Осиёдаги нўҳна корхоналардан бири Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи қоллективи ўнинчи беш йиллик биринчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқда. Унда дизель цехининг ишчилари пешқадамлик қилишдан ёстир. Суратда: шу цехнинг коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларидан В. Ларионов (чапда) ва Н. Яковлев.

И. Глауберзон фотоси.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг сессияси 13 октябрь куни Москвада Н. С. Тихонов раислигида очилди.

1976 йилги СССР Давлат мукофотларига тақдим этилган конкурсда қатнаштириш учун танлаб олинган асарлар ва жамоатчилик томонидан уларни муҳокама қилиш якунлари кўриб чиқилмоқда. (ТАСС).

КЎҲНА ЗАМИН ЁШЛИГИ

Ёзувчи ён дафтаридан

Кўҳна рус тупроғи! Далалар, ўрмонлар, тепаликлар, чакалакзорлар, кўл ва дарёлар, мажнунтолу, бутазорлар билан қопланган қирғоқлар, қияликлардаги ёғоч уйлар, ям-яшил боғлар... Бирам гўзал! Бирам жозибадор! Термулиб тўймайсан киши. Уларни бизнинг кўпчилигимиз Левитан, Шишкин, Полинов сингари буюк рус рассомлари мўйқаламига мансуб картиналарда, табиат тасвирларида кўрганмиз.

Бугун бу ерларга янги бир манзара кириб келяпти. Улар томирлар сингари атрофга таралган янги-янги каналлар, эндигина қад ростлаётган бўлажак посёлкалар, захи қочирилаётган ботқоқлик ва торфзорлар... Жанубдан пешма-пеш келиб турган қурилиш эшелонлари... Ирригаторлар, мелираторлар, ишчилар, қурувчилар... Эҳ-ҳе, нақадар кўп улар!

Бир сўз билан айтганда кўҳна замин яшаряпти. Ноқоратупроқ бағрига янги ҳаёт кириб келмоқда. Бу ҳаёт нафаси КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1974 йил март ойидаги «РСФСР ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнггина эса бошлади. Салкам 3 миллион квадрат километр майдонга жойлашган 29 область ва бир автоном республикада қарийб 60 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бу Совет Иттифоқи аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисмига тенгдир. Улар Россия Федерацияси етиштираётган сут ва тухумнинг тахминан 40 процентини, гўштнинг 30 процентидан ортиқроғини, сабзавот маҳсулотларининг ярмидан кўпроғини ва деярли бутун зиғирни тайёрлаяптилар. Бу чакана рақам, чакана меҳнат эмас. Бу — жуда катта, жуда улуғ меҳнат якуни!

Коммунистик партия ноқоратупроқ зона халқ хўжалигини бундан ҳам ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди. Бу ерларни қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг битмас-туганмас ҳазинасига айлантириш мумкинлигини таъкидлади. Шу беш йиллик охирига бориб, ноқоратупроқ зона бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5, 1990 йилга бориб эса 2,5 марта ўсиши кўзда тутилган. Бу — гектаридан қарийб 20 центнер дон, 160 центнер картошка, 260 центнер сабзавот, 4,5 центнергача зиғир маҳсулотлари етиштириш деган гапдир. Қиёс учун бир мисол: энди ўзлаштирилаётган ноқоратупроқ зонадаги колхоз ва совхозлар ҳозир гектаридан 7-8 центнер жавдар, 60-70 центнер картошка олишяпти. Ваҳолонки, илгари ери ноқоратупроқ бўлган Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги илғор хўжаликлар ҳосилдорлиги бугунги кунда жуда юқорилаб кетди. Жумладан, Вологодский областининг орденли «Родина» колхози ҳар йили гектаридан 45-50 центнер жавдар, Ивановo областидаги «Воскресенский» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Путятин бошлиқ полизчилик бригадаси 192 центнердан қулупнай етиштирмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ана шу илғор хўжаликлар эгаллаган кўрсаткичларни ноқоратупроқ зонадаги барча совхоз ва колхозлар учун ягона марра қилиб белгиламоқда. Бунга эришишнинг асосий йўллари — ер структурасини тубдан яхшилаш, қишлоқ хўжалигини ёппасига интенсивлаш, ирригация ва мелиорация тадбирларини комплекс ташкил этиш, фан-техника ва илғор тажрибаларни халқ хўжалигига кенг жорий этиш эканлигини аниқ кўрсатиб берди. 1990 йилгача Россиянинг ноқоратупроқ зонасида 9-10 миллион гектар ернинг захи қочирилади ва яна шунча майдон чангалзор, бутазорлардан тозаланади. Ўзлаштирилган ер миқдори ҳозиргига нисбатан 2-2,5 миллион гектарга ортади.

Булар айтишга осон фақат. Аммо, уларнинг замирида қанчадан-қанча фидокорона меҳнат, бунёдкорлик машаққатлари ва пешана терлари ётибди. Бироқ, ноқоратупроқ ерларга ҳужум кун сайин кучайиб боряпти. Унда қардош республикаларнинг вакиллари, чунончи қуёшли Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик мутахассислари, қурувчилари, ирригатор ва мелираторлари фаол иштирок этяптилар.

...Новгороднинг Желябов кўчасидаги кўп қаватли бинолардан бирида «Узновгородводстрой» трести деган ёзув осиғлиқ турибди. Бунда ноқоратупроқ бағрига ҳаёт бахш этиш, ерларни ўзлаштириш ишида рус биродарларига кўмак бериш иштиёқида келган Ўзбекистон вакилларининг штаби жойлашган.

Штаб олдида беихтиёр ёдимизга 1974 йилнинг 24 ноябри келди. Ўша куни байроқлар ва ҳар хил транспарантлар билан безалган Тошкент темир йўл вокзали перронида одамлар ҳар қачонгидан кўп эди. Оркестрнинг гумбурлаган садоси остида бутун республика жамоатчилиги, пойтахт аҳолиси Новгород ва Иваново областларидаги ноқоратупроқ зона районларини ўзлаштиришга отланган дастлабки кўнгиллилар эшелонини, кузатиб қолишганди. Улар Марказий Фарғона, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Жиззах, Уст-юрт чўл ва даштларини ўзлаштиришда катта тажриба орттирган баҳодир чўлқуварлар эди. Мана бугун улар янги кўриқ — ноқоратупроққа ҳам биринчилардан бўлиб келишди.

Ўтган салкам икки йил ичида ўша биринчилар катта ишлар қилишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Шимск ва Солецк районлари хўжаликларида 2200 гектар ер деҳқончилик иҳтиёрига берилди. Бу йил кузда эса (эрта-индин) 4,5 минг гектар Новгород ерига илк жавдар уруғи ташланади. Шимск районининг «Зовет Ленина» колхози экин майдонлари шу йилнинг ўзида 200 гектарга ошди. Бунёдкор ҳамюртларимиз ташкилий даврнинг катта қийинчиликларини мардонавор енгиб, қисқа муддатда Иваново областидаги Кохма посёлкасида 2 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой биноларини, «Октябрь 50 йиллиги» совхозида катта сув омборини қуриб фойдаланишга топширдилар. «Ивановоирсовхозстрой» трести базасини ва ҳар бири 120 квартирали 5 қаватли 2 та уй-жой биносини, «Главнечерноземводстрой»нинг таянч базасини ва бошқа қатор иншоотлар қуришни бошлаб юбордилар. Трест ташкилотлари энг янги замонавий техника ва автотранспорт воситалари билан таъминланган. Унда қуёшли республикамиздан борган 1200 киши, жумладан 500 дан зиёд ишчи ва инженер-техник ходимлар меҳнат қилмоқдалар.

Интернационал бурчига содиқ Ўзбекистон бунёдкорлари ноқоратупроқ зона районларини ўзлаштиришда чиндан ҳам жасорат кўрсатиб ишламоқдалар. Қурилишларга пешма-пеш етказиб берилаётган техника воситалари деярли ҳар куни 4 минг километр йўл босиб Тошкентдан боряпти. Хоҳ ишлаб чиқариш командирлари, хоҳ оддий қурувчи ёки ишчи билан суҳбатда бўлманг, уларнинг ҳар бири катта тажриба ва маҳорат эгаси эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Улардан бири—«Узновгородводстрой» трести бошқарувчиси Раим Рўзметов. Бундан 20 йил муқаддам Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган бу моҳир инженер Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона чўл ва даштларини ўзлаштиришда катта тажриба тўплади. Жазирама Жазоир саҳросида чиниқди. Бугун эса ноқоратупроқ зонада жавлон уряпти.

Трест бош инженери Э. Никифоров Қозоғистон қўриғини ўзлаштиришда, Жанубий Сурхон сув омборини қуришда, Шеробод чўлларига сув келтиришда фаол қатнашди. Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришга даъват муносабати билан Новгород областига йўл олди.

«Ивановоирсовхозстрой» трести бошқарувчиси Г. Пензин Уралда мис эритиш комбинати, Черновцида машинасозлик заводи, Тошкентда уйсозлик комбинати, холодильник иншооти қурилишларида актив қатнашди. Хозирда сопол қувурлар заводи қурилишига, Жиззахда қурилиш материаллари комбинатини тиклашга ва бошқа қатор қурилиш объектларига раҳбарлик қилди. Бугунги кунда Г. Пензин Иваново тупроғида ҳам ишлаб чиқариш командири. Унинг ўринбосари Шукур Муҳаммадиев Мирзачўлни ўзлаштиришга отланган биринчилардан эди. Бу ерга ҳам биринчилар қаторида келди.

Урганчлик Лола Қутлимуродова, наманганлик Ринат Ҳабибуллаев, қўқонлик Марат Шокиров... Улар кўп, улар сон-саноқсиз. Уларнинг ҳаммаси партия даъвати билан қадимий рус тупроғини яшартириш ишқида келган ташаббускор, бунёдкор ёшлардир.

...Қадимий рус тупроғи... Кечагина бутазорлардан тозаланган, ҳайдалган, текисланган кенг далалар... Ҳув нарида қамишзор ва қоп-қора ёғли сув тўла чуқурлик-лар...

Кафтдек текис, бугун-эртага уруғ ташланадиган майдонларга назар ташлар экансиз, кечагина бу ерлар ўша ваҳимали бутазор ва қамишзор бўлганига, устида ҳар хил ҳашоратлар ғужғон ўйнаган бадбўй балчиқ ўрни эканлиғига ишонмайсиз.

Йиллар ўтади. Ноқоратупроқ замини таниб бўлмас даражада ўзгаради. Ботқоқ, қамишзор, бутазорлар ўрнида ҳадсиз ғалвазор уммонлари, янги сабзаботчилик плантацияларн, ажойиб агрошаҳарчалар пайдо бўлади. Уларнинг номлари ҳам янгича жаранглайди: «Ўзбекистон», «Тошкент», «Дўстлик»!

Буларнинг ҳаммаси кўҳна рус тупроғининг иккинчи ёшлигидир.

Юрий КОВАЛЕВ,
Тошкент — Иваново — Новгород — Тошкент.

ПЛАНЕТАМИЗДА

В. ЖИСКАР Д' ЭСТЭННИНГ ФРАНЦИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОБЗОРЧИСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Франция телевидениеесида ўтказилган Совет Иттифоқи ҳафталиги тугаши муносабати билан Франция Республикаси президенти Валери Жискар д'Эстэннинг Франция телевизион компанияси обзорчиси саволларига қайтарган жавоблари 12 октябрда СССР Марказий Телевидениеси орқали олиб берилди. Валери Жискар д'Эстэн бундай деди:

Леонид Ильич Брежнев саволларга жавоб бераётган вақтда мен Эронда эдим, табиийки, Кремлдан бевосита берилган кўрсатувни кўра олмадим. Ўз-ўзидан равшанки, мен Теҳронда савол-жавоб текстн билан дарҳол танишиб чиқдим. Ҳозирги вақтда Франциянинг ташқи сиёсатини қандай таъриф-лаш мумкин, деб сўраяпсиз. Биз икки мақсадни кўзлаймиз. Тинчлик мақсадини ва халқаро иқтисодий ривожланиш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлаймиз.

Тинчликни таъминлаш тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу нарса кейинги жаҳон урушида айниқса кўп зарар кўрган СССР билан Франция каби икки мамлакат учун айниқса муҳимдир. Айни шу боисдан ҳам Франция ўзининг тинчлик ишига содиқлигини намойиш қилмоқда, тинчликка олиб борадиган йўл эса — кескинликни юмшатиш йўлидир. Бу ўринда ган Франция учун сиёсий маневр қилиш ҳақида бормаётир. Бу — тинчликни таъминлашнинг бирдан-бир йўлидир, халқаро можароларга йўл қўймасликнинг бирдан-бир иложидир.

Бу хусусда Франция таклаб олган мақсад унинг ўзи учун қуйидаги оқибатларни назарда тутади.

Биринчидан: ўтмишда можароларга сабаб бўлган позициялар ва қарашларни, чунончи: территориал даъволарни, таъсир доирасини вужудга келтириш ёки кучайтириш истагини, бир томонлама иқтисодий афзалликни олишга интилишни тугатиш зарур. Бизнинг назаримизда бунинг ўрнини тинчлик сиёсати олиши керак.

Иккинчидан, кескинликни юмшатиш йўлидан бориш биз учун урушнинг йўқлигинигина билдирмайди. Бизнинг фикримизча, бу йўлдан бориш ташкилий, социал, иқтисодий ва мафкуравий тусдаги мавжуд тавофутларни ҳисобга олишга, шу тавофутлар билан ҳисоблашишга тайёрлик ифодаси ҳам бўлиши лозим. Табиийки, бизда ҳам, сизда ҳам, ички қурилиш хусусида ўзига хос концепциялар бор, бироқ кескинликни юмшатиш шароитида бошқа томони душман деб билмаслик керак.

Учинчидан, мен кескинликдан иноқликка ўтишни назарда тутаман. Бу ўринда ган можароларнинг олдини олиш тўғрисида, шу билан бирга турли тузумдаги мамлакатлар халқларининг бирга-ликда ишлаши тўғрисида бориши керак. Айни шу боисдан ҳам биз сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигимизни ривожлантиришга интиляпмиз.

Тўртинчидан, кескинликни юмшатишнинг яна бир жиҳати — қуролсизланиш сиёсатидир. Франциянинг бу соҳадаги сиёсати тўғрисида янглиш тасаввур бор. Аслида Франция ёппасига ва, тўла самарали қуролсизланишга оид даражада содиқдир. Бундай қуролсизланиш тўқнашувлар ва можароларга чек қўйиши, иккинчидан, иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этишга кўмаклашиши мумкин бўлур эди. Дарҳақиқат, дунёдаги иқтисодий ва социал ривожланиш ишига, жумладан, дунёнинг энг йўқсил қисмларидаги ривожланишга ҳиссани кўпайтириш зарур. Шунга амал қилиб Франция «янги иқтисодий тартиб», анча рационал тақсимотни таъминлайдиган адолатлироқ тартибни ўрнатишни таклиф қилди, бу таклиф халқлар ганданига дардисар юк бўлиб тушаётган кризислар ва ларзалар хавфини камайтириш имконини берган бўлур эди. Совет Иттифоқи ҳам БМТ доирасида шу йўлда куч-ғайрат сарфлаётганлигини, ҳамда халқаро савдо-сотиқ ва ривожланишда тараққиётни таъминлаш билан шуғулланаётганлигини кўриб турибмиз.

Сўнгра Жискар д'Эстэн бундай деб таъкидлади: Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш — сўнгги урушдан кейин Европада кескинликни юмшатиш йўлида сарфланган энг катта куч-ғайратларнинг биридир. Франция Хельсинкидаги кенгашда қатнашди ва уни муваффақиятли ўтказишда жуда катта роль ўйнади. У якуловчи актни имзолади. Бу актда давлатлар ўз муносабатларида амал қилишлари лозим бўлган бир қанча принциплар, шунингдек иқтисодий программаларни рўёбга чиқаришга, Европадаги одамлар ва аҳолининг тақдирини яхшилашга қаратилган айрим қоидалар баён этилган. Бу — жуда катта программа бўлиб, уни юзага чиқариш учун муайян вақт талаб қилинади. Аммо Франция бу соҳада, жумладан, ўзининг Совет Иттифоқи билан ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларида тараққиётга эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Биз Хельсинкида қабул этилган ҳамма қарорларни бажаришга киришиш тарафдоримиз ва бу соҳада силжишни таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Франция қулай пайт келганда Совет Иттифоқи раҳбарлари билан учрашув вақтларида тегишли масалаларни муҳокама қилишга тайёр.

СССР билан Францияниг ҳамкорлиги Франция ташқи сиёсатининг энг асосий ва доимий омили бўлиб қола беради, деди президент сўзини давом эттириб, ёз фаслининг бошларида биз шу ҳамкорликнинг 10 йиллигини, генерал де Голлнинг СССРга қилган визитн ва Москвада ҳамкорлик тўғрисидаги биринчи Совет — Француз ҳужжатлари имзоланганлигининг 10 йиллигини нишонладик. 10 йиллик муддат — қандайдир вақтинчалик ҳодиса тўғрисида гап бормаётганлигидан далолат беради муддатдир. Ҳамкорлигимизни ривожлантиришга бешинчи республиканинг ҳамма президентлари: генерал де Голль, Помпиду жаноблари ҳиссса қўшдилар... Мен ўзим иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик катта комиссияси француз қисмининг узоқ вақт раиси бўлдим. Ўшанда биз ҳамкорлик тўғрисида катта битим имзоладик. Мен деярли ҳар йили Совет Иттифоқига келиб, у ерди музокаралар олиб бордим, назаримда бу музокаралар фойдали ва конструктив бўлди.

Ўз-ўзидан равшанки, бизнинг ҳамкорлигимиз чуқурлашиб, ривожланиб боравериши мумкин ва лозим. Бултур 17 октябрь куни биз Л. И. Брежнев билан бирга Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияни имзоладик. Шу ҳужжатда учрашувларни, жумладан аралаш комиссиялар доирасида бундан буён ҳам ўтказиб туриш кўзда тутилди. Дарвоқе, Франция Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка нақадар аҳамият бераётганлигини таъкидлаш учун биз Бош министр Баррни катта комиссиянинг француз қисми раиси қилиб тайинладик. 1974 йил декабрида Рамбуйеда, бултур Москвада олий даражадаги учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Якинда мен Леонид Ильич Брежневга визит билан Францияга келиш тўғрисида таклифнома юбордим.

В. Жискар д'Эстэн Совет —Франция ҳамкорлигининг конкрет мисолларини айтиб, бундай деди: 1974 йил декабрида биз келгуси беш йилликда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳажми икки баравар, башарти имкони бўлиб қолса, уч баравар ортиши лозим, деб Л. И. Брежнев билан шартлашган эдик. 1975 йил натижаларини ва шу йилнинг дастлабки саккиз ойи маълумотларини ҳисобга олганда 1975—1979 йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар оборотини уч ҳисса кўпайтириш бемалол амалга оширса бўладиган ишдир, деб айтса бўлади.

Франциянинг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигини келгуси ҳам ривожлантириш ва чуқурлаштириш зарур. Л. И. Брежнев билан бўладиган учрашув вақтида худди шу ҳақда гаплашиб оламиз, деди В. Жискар д'Эстэн.

У Франциядаги мавжуд сиёсий системага, мамлакатнинг социал ва иқтисодий турмушдаги муваффақиятларига тўхталиб ўтди. Франция — ўз ривожига ва тараққиётига ўзи раҳбарлик қиладиган мамлакатдир. 1789 йилги улуғ француз революцияси озодлик йўлидаги қураш учун қилинган эди. Ана ўшандаёқ французлар бу озодликни қурашиб қўлга киритган эдилар. Бизнинг тушунчамизда бу нарса ўзимизнинг турмуш тарзимиздан иборатдир, биз плюрализмга амал қиламиз.

Президент Франциянинг халқаро бозордаги роли тўғрисида бундай деди: Франция энг катта экспортёрларнинг биридир, жаҳон савдосида экспорт қилиш жиҳатидан АҚШ билан Ғарбий Германиядан кейин учинчи ўринда. Япония билан деярли баб-баравар бораяпти. Биз экономикамизни планлаштириш соҳасидаги ишимизни бундан буён ҳам давом эттирмоқчимиз. 1980 йилга бориб Франция Европадаги иқтисодий ривожланишнинг энг юксак даражасига эришишни мўлжалламоқда. Ўз-ўзидан равшанки, социал таъминот соҳасидаги, касалликларни тугатиш соҳасидаги куч-ғайратларимизни давом эттириш лозим. Бизнинг мамлакатимизда, деди В. Жискар д'Эстэн, тенгсиз маориф системаси, кексаларга ёрдам беришнинг мукаммал ишлаб чиқилган системаси мавжуд. Шундай бўлса ҳам ана шу соҳалар нинг ҳаммасидаги ишни такомиллаштириш зарур.

Франция Президенти бевосита телевидение орқали ўтказиладиган суҳбатларни ва ТФ-1 программаларида Совет Иттифоқи ҳафталигини ўтказиш тажрибасини маъқуллади.

Пировардида Президент бундай деди: француз халқи совет халқига нисбатан ҳурмат туйғуси билангина эмас, ҳеч муболағасиз айтаманки, меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуси билан ҳам ялаб келаётганлигини совет халқи билиши керак. Мамлакатларимиз тарих давомида ва, боя айтганимдек, сўнгги жаҳон уруши вақтида бошимизга тушган синовлар вақтида ҳам бир-бирлари билан боғланган эдилар. Биз совет халқининг ўз раҳбарлари бошчилигида сарфлаётган куч-ғайратларини кузатиб турибмиз. Истардикки, бугунгича ўхшаш мулоқотлар давом эттирилса, мен Совет Иттифоқида бўлган вақтимда ўзим жуда яхши ҳис этган инсоний қалб ҳароратн ва меҳмондўстлик учун француз халқидан совет халқига миннатдорчилик билдирмоқчиман, совет ва француз кишиларини бирлаштириб турган ҳурмат ва дўстлик вазиятида янада тараққиётга эришилишига тилакдошман. (ТАСС).

ФЕРРАРДА УЧРАШУВ

РИМ, 13 октябрь. (ТАСС мухбири). Феррар шаҳрида Европа иқтисодий ҳамкамиятида қатнашувчи Ғарбий Европа мамлакатлари — Бельгия, Буюк Британия, Голландия, Дания, Италия, Люксембург, Франция ва Германия Федератив Республикаси, шунингдек Финляндия, Греция, Испания, Португалия, Сан-Марино коммунистик партияларининг вакиллари учрашдилар. Улар «Умумий бозор» мамлакатларининг қишлоқ хўжалигига доир проблемаларни, Европа иқтисодий ҳамжамиятининг аграр сиёсатини муҳокама қилдилар.

Учрашувдан кейин эълон қилинган ахборотда коммунистик партиялар «Европа иқтисодий ҳамжамиятида қатнашувчи мамлакатлардаги деҳқонларнинг, барча меҳнаткашларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун, Европадаги капиталистик давлатларда халқ оммасининг манфаатларини кўзлаб экономикани ривожлантириш ва демократияни кенгайтириш учун, кураш олиб боришга қатъий қарор бергани ҳақида таъкидлаб ўтилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **БЕЛГРАД.** Югославиядаги энг йирик «Крека — бановичи» кўмир ҳавзасининг шахтёрлари (Босния ва Герцеговина Республикаси) югослав халқларининг фашист босқинчиларига қарши қуролли қўзғолонига 35 йил тўлган кун шарафига мусобақани кенг авж олдирдилар. Кончиларнинг коллективлари кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларни камайтириш учун курашмоқдалар. Энг яхши коллективга шахтёрларнинг кўчма байроғи топширилади.

✦ **БУХАРЕСТ.** Руминия электротехника саноати корхоналарининг коллективлари бу йил социалистик мусобақа давомида пландан ташқари 170 миллион лейлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Мамлакатнинг халқ хўжалиги қўшимча равишда 92 миллион лейлик автоматлаштириш воситаларини олди, савдо шоҳобчаларига пландан ташқари кўпгина холодильник, радиоприёмник, телевизор, пилесослар ва бошқа рўзғор машина ускуналари етказиб берилди.

✦ **ВЕНА.** Бу ерда Австрияда совет фани ва техникаси ютуқлари доирасида «Совет фани ва техникасининг муваффақиятлари» выставкаси очилди. Австрия Компартиясининг раиси Ф. Мури бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари выставкани томоша қилдилар.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри К. Н. Руднев меҳмонларга ҳамроҳ бўлди.

✦ **НЬЮ-ЙОРК.** Грейт-Нек шаҳридаги (Нью-Йорк штати) «Сперри рэнд корпорейшн» компанияси ишчиларидан 2.600 кишининг забастовкаси ғалаба билан тугалланди. Меҳнаткашларнинг уч ҳафта мобайнида олиб борган қаттиқ кураши компания маъмуриятини ишчиларнинг талабларини қондиришга мажбур этди. Компания забастовка натижасида катта зарар кўрди.

✦ **МАПУТУ.** Мустамлакачиликка қарши кураш йилларида вужудга келган Мозамбик — Совет ҳамкорлиги хозирги вақтда турли соҳаларда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Мозамбик саноат ва савдо министри Марку Машунгу Мапутуу Портига келган «Онежский залив» совет рефрижератор кемасини кўздан кечирган пайтда шу гапларни айтди. (ТАСС).

«ТАБАССУМ» ФАРҒОНАДА

Республикамиздан Ўзбекистон радиосининг «Табассум» сатирик журнали эшиттиришларини жон қулоғи билан эшитмайдиган кишилар топилмаса керак.

«Табассум» устахонаси ижрочиси ва ижодкорлари коллективи табассум учун изланишда. Кейинги пайтларда «Табассумчилар тез-тез ўз тенгловчилари билан учрашувлар ўтказиб туришибди. Яқинда улар Фарғона область Охунбобоев, Олтиариқ, Тошлоқ районлари пахтакорларининг меҳмони бўлишди. Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз Маданият саройида уюштирилган учрашувда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Раҳима Мазохидова, Муроджон Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат Шамаева, Малоҳат Дадабоева, Эргаш Каримов ҳамда Ҳасан Йўлдошев, Абдураҳмон Аҳмедов, Илёс Маллаев, Муҳиддин Дарвешов, Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар пахтакорларга табассум улашдилар.

«Табассум» журнали ижодий коллективи Қува, Қувасой ва Фарғона районлари пахтакорлари ҳузурида ҳам бўлдилар.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕРИМДА СУРЪАТ ВА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК БЎЛСИН!

МАШИНАЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Биз йиғим-теримни ташкилий равишда уюшқоқлик билан ўтказиш, терим мавсумида «зангори кема»лар, трактор тележкалари, кўчма устахоналар хизматидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу пахта йиғим-терининг дастлабки кунлариданоқ юксак сифат, сифат кўрсаткичларига эришувимизда асосий омил бўлди. Ҳамма жойда «оқ олтин» ҳосилини тез, тоза териб олиш ва тайёрлов пунктларига етказиб беришга эришмоқдамиз. План бўйича районимиз деҳқонлари 40,5 минг тоннадан кўпроқ дурдона тайёрлаб, давлатга сотишлари керак. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб, биз она-Ватан ҳазинасига 45 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдик. Меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати туфайли далаларимизда юксак мажбуриятни тўла қоплайдиган даражада ҳосил бор. Эндиги вазифа — уни сира нобуд қилмай тезкорлик билан йиғиб-териб олишдан иборатдир.

Районимиз механик-ҳайдовчилари, бирлашмамиз инженер-техник ходимлари, транспортчилар ялпи ҳосилнинг 70 процентини «пўлат этак»ларда териб олишга енг шимарганлар. Хўжаликларда шу кеча-кундузда 158 та «зангори кема» тўла қувват билан ишлатилмоқда. Терим агрегатларининг аксарияти серунум «Ўзбекистон» маркали машиналардир. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 10-12 тоннадан пахта терилмоқда. Пешқадам механик-ҳайдовчилардан юздан ортиқ киши мавсумда 250-300 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз берган. Машиналар мўъжизаси туфайли пешқадам бригадалар, илғор хўжаликлар бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекмоқдалар, пахта теримида юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Машиналар қудрати туфайли Ильич номли, «Пахтакор», «БЛКСМ 50 йиллиги» колхозлари пахта тайёрлаш планларини шараф билан бажардилар. Машина терими планлари эса, 116-125 процент қилиб адо этилди.

«Зангори кема»ларнинг бошқарувчилари — «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан Эргаш Нишонов куклик суръатни 20-24 тоннага етказмоқда. Унинг ял хирмонига тўккан пахтаси 200 тоннадан ошиб кетди. Куйбишев номли колхоздан Эргаш Оллоёров, Свердлов номли колхоздан Тўланбой Рўзиев, Таваккал Раҳимов, Ильич номли хўжаликдан Аблаз Полвонов, Калинин номли колхоздан Абдуллажон Нажимов, «Пахтакор» колхозидан Дадажон Орипов сингарилар ҳам теримда юқори суръат ва сифат кўрсаткичига эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 400-500 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар.

Шу кунларда терим машиналари икки сменада тўхтовсиз ишлатилмоқда. Терилган пахта тележкаларга юкланиб, тайёрлов пунктларига пешма-пеш етказиб берилядти. Пайкал четлари, уватларда тўкилиб, ифлосланишига йўл қўйилмаяпти. Транспорт тележкаларининг иши терим машиналарининг ҳаракати билан мослаштириб олиб борилмоқда.

Бирлашмамизнинг инженер-техниклари, барча мутахассислари ўзларининг бутун фаолиятларини, маҳоратларини пахта пайкалларида терим техникасини юксак унум билан ишлатишда намойиш қилмоқдалар. Ҳозирги кунда 15 га яқин «АТУ-А», «АТУ-Б» маркали механизмлар, ўндан ортиқ кўчма устахоналар, автозаправкалар тўхтовсиз ишлаб турибди. Биз ҳар бир терим машинасининг иш унумини 150 тоннага, «Ўзбекистон» маркали агрегатларда камида 200 тонна пахта териб олинишини таъминлаш учун ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Машиналарнинг бир дақиқа ҳам бекор туриб қолиши ёки у пайкалдан бу пайкалга ўтказишда иш унумининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

Район партия, совет ташкилотларининг диққат-эътибори ҳам барча ишчи кучи, техника воситаларини йиғим-терим ишларига сафарбар этишга қаратилган. Ҳар бир хўжалик, бригада ва бўлимда ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси, техника воситалари, транспорт хўжалиги йиғим-терим ишларига жалб қилинган. Чевар теримчилар, механик-ҳайдовчиларнинг иш унумини ошириш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида терилган пахтани бевосита пайкалнинг ўзида қабул қилиб олиш ташкил қилинди.

Машиналар мўъжизаси туфайли Куйбишев номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Мўйдинова, «Комсомол 50 йиллиги» колхозининг Т. Омонова, Э. Мадаминова, Свердлов номли колхознинг Ленин орденли С. Аминжонов, А. Қорабоев, Калинин номли колхознинг А. Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадалари йиллик планларини 130-150 процент қилиб бажаришга эришдилар. Мазкур бригадаларда ялпи ҳосилнинг 90 проценти «пўлат этак»лардан тўкилди.

Механик-ҳайдовчиларни ва уларга техника хизмати кўрсатувчиларни, тележкачиларни, шоферларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Машинада сифатли терилган «оқ олтин»нинг ҳар тоннаси учун 15-18 сўмдан меҳнат ҳақи тўлаш тартиби белгиланди. Мавсумда 300 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани тайёрлов пунктларига етказиб берган транспортчилар, ўз агрегати бункеридан 500 тонна ва ундан оширо юқори сифатли пахта терганларга қимматбаҳо мукофотлар берилмоқда. Илғор механик-ҳайдовчилар ва транспортчиларнинг тажрибаси деворий газеталар, жанговар варақаларда оммалаштириб борилияпти.

Районимиз йиллик планни бажариш арафасида турибди. Биз ғалаба рапортига областда биринчи бўлиб имзо чекиш учун ҳамма имкониятларни ишга соляпмиз.

Районимиз механик-ҳайдовчилари, транспортчилари мавжуд қишлоқ хўжалик машиналарининг қудратидан янада самарлироқ фойдаланиб, съездлар йилида даладаги барча ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишни таъминлайдилар. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит ва имкониятлар бор.

Ҳ. ҲУДОЙҚУЛОВ,
«Узсельхозтехника» Марҳамат район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Жиззах районидаги Навоий номли колхоз пахтакорлари шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширяптилар. Далаларда ҳамма сўнгги чаноқдаги ҳосилни ҳам териб олиш ишқи билан меҳнат қиляпти. Буойша Усмонова сармонлик қилаётган бригада аъзоматлари ҳам 45 центнерлик маррани тезроқ эгаллаб, социалистик мажбуриятни бажариш учун курашяптилар. Бригада бошлиғи Буойша Усмонова эса ўз агрегатини юксак унумда ишлатиб, кунига 10-11 тонна «оқ олтин» теришга муваффақ бўляпти. Суратда: Буойша Усмонова пахтазорда.

А. Тўраев фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Ромитан районидаги «Ромитан» совхози ишчилари давлатга «оқ олтин» сотиш бўйича социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишди. Давлатга 9890 тоннадан зиёд пахта топширилди. Совхоз деҳқонлари етиштирилган ҳосилнинг қарийб 85 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олишди. Областда биринчилар қатори рапорт берган Тўхтагул Бозорова, Аҳмад Бапоев, Ҳамро Аҳмедов, Холмурод Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бўлган бўлимлар эса ҳосилнинг 85-90 процентини агрегатлар ёрдамида йиғиб-териб олишди. Донгдор механизатор Аҳмад Ҳамроев ўз агрегати бункеридан қарийб 400 тонна «оқ олтин» тўкди.

Совхоз ишчилари мавжуд ҳосилни чамалаб кўриб, ўз зиммаларига қўшимча мажбурият қабул қилишди. Улар мавсум охиригача ялпи ҳосилни 11 минг тоннага етказишга қатъий қарор қилдилар.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

Хирмонга барака

Дала шийпони ёнидаги «Кўрсаткич тахтаси»га кўз ташлайлик. Ундаги икки рақам эътиборимизни ўзига тортди. Биринчи устунга 65 рақами ёзилган. Бу Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанча Аҳмедов бошлиқ бригаданинг пахта майдони. Иккинчи устунда 47 рақами бор. Бу бригада аъзолари шу кунгача териб олган ҳосил центнери. Демак, бригада йиллик пахта тайёрлаш планини оширяпти ва ошириб адо этибди.

Лекин пахта топшириш авжида. Мақсад битта — ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказиш. Механик-ҳайдовчилар ҳам, теримчилар ҳам шуни кўзлаб жонбозлик кўрсатишяпти. Бригада бўйича пунктга топширилган 280 тонна пахтанинг 80 тоннаси уруғликка қабул қилинди.

«Кўрсаткич тахтаси»да Мамасоли Зулунов, Эргашбой Абдуллаев, Аҳмаджон Исомиддиновларнинг ҳам номини ўқидик. Даврон, улар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

Пайкаллар орвлаб юрамиз. Ғўзаларнинг шохидаги дурдоналарини кўриб, бунёдкор пахтакорларга таҳсинлар айтамиз. Юқорида номлари тилга олинган бригадаларнинг аъзолари гектаридан 35-40 центнердан ҳосил териб тайёрлов пунктларига жўнатяпти. Лекин пахта чаман-чаман очилиб ётибди, чаноқлардаги момиқ толалар кўзларни ўйнатади.

— Яна гектаридан қанчадан ҳосил кўтарасизлар? — сўрадик олтмиш центнерлик марани кўзлаб иш тутаётган бригада бошлиқларидан.

— Сўзимиз-сўз, унган қайтиш йўқ, лўнда жавоб қилди улар.

Демак ҳар гектар майдондан яна 20-25 центнердан пахта териб олинади. Ҳосил чўғи бундан ҳам юксакроқ маррадан далолат беряпти. Фақат ғайрат отига қамчи босиш керак, фурсат ғанимат!

Пайкалларда елканлек сузиб бораётган «зангори кема»ларни кўрдик. Уларни Ҳайдаржон Йўлдошев, Қодиржон Бўронов каби механик-ҳайдовчилар бошқаряпти. Ҳар бир машинанинг кунлик иш унумини сўрадик механизаторлардан.

— 10—12 тонна! — шундай жавоб қилган бўлсалар ҳам ўз ишларидан ўзлари қурсанд эмасликларини сезилиб турарди. Ҳайрон бўлганимизни шекилли, кўшимча қилишди:

— 15—16 тонналик маррани эгаллаш учун курашяпмиз. Ҳали пахта кўп, ниятимизга етамиз.

Теримчилар, механик-ҳайдовчилар — ҳаммаларнинг мақсади колхоз бўйича давлат омборига тезроқ 4.800 тонна пахта тўкишга қаратилган. Пахтакорлар меҳнат интизомига риоя қилиб бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ кўрсаткичга эришиш учун ҳаракат қилишяпти. Кўпчилик ғайрат қилгандан кейин катта карвон, албатта, давон ошади.

Н. ИНОҚОВ,
Андижон районидаги «Ленинград» колхози.

ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози аъзоларининг 1977 йилда ғалладан юқори ҳосил етиштириш юзасидан белгилаган тадбирлари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Қозогистон партия-хўжалик активининг кенгашида сўзлаган сермазмун нутқида КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, мамлакатимизда дон етиштиришни кўпайтириш бош вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади, бунинг учун кузги ғалла экишни бутун чоралар билан авж олдириш зарурлигини уқтирди.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларида ҳам республикамизда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликни ривожлантириш, ялпи дон миқдорини кўпайтириб, сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилди, ғаллачиликни тараққий эттириш чорвачиликни ривожлантириш, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни кескин кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши эслатиб ўтилди.

Бизнинг Юқори Чирчиқ районимизда пахтачилик шахдам ривожлантириляпти, айни кезда бугдой, арпа, маккажўхори ва бошқа бошоқли ҳамда дон-дуккакли экинлардан муттасил юқори ҳосил олиняпти, пахтачилик соҳасидаги ишлар, хусусан, теримнинг комплекс механизациялаштирилиши бошқа тармоқларни ҳам илдам юксалтириш имконини бераяпти. Районимиз хўжаликлари пахта ҳосилдорлиги билан бир қаторда ғалла ҳосилдорлигида ҳам республикамизда илғор ўринлардан бирини эгаллади.

Бизнинг «Ленинобод» колхозимиз ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган, айни кезда тоғ бағри зонасида бегдорчилик, узумчилик ҳам кенг қулоч ёйдирилаяпти. 1976 йил мавсумида давлатга икки-уч йиллик план миқдорида мева ва узум етказиб бериб, катта ғалабага эришдик, келгуси, йиллар юқори ҳосилига мустаҳкам замин яратдик.

Ғаллачилик соҳасидаги ютуқларимиз, айниқса, кувончли бўлди. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Ҳар гектар ердан олинган дон ҳосили ўтган йилдагидан икки-уч баравар кўп бўлди. Ўрим-йиғимни қисқа вақтда уюшқоқлик билан ўтказдик, донни сира нобуд қилмай ўриб-ярчиб олдик. Шуни айтиш керакки, колхозимиз уруғчилик хўжалиги ҳисобланади. Биз давлатга планда кўзда тутилган 780 тонна ўрнига 1382 тонна юқори сифатли, ранглаштирилган, серҳосил, касалликларга чидамлик уруғлик дон сотдик. Ундан ташқари қўшни колхозларга уруғлик учун 480 тонна дон армуғон этдик.

Ғаллакорларимиз давлатга дон сотиш плани, социалистик мажбуриятини бажариш билан бир қаторда жўжалигимизнинг ички эҳтиёжи учун сараланган уруғлик бугдой ва арпа тайёрлашга алоҳида эътибор беришди, бу йил кузда ва келаси йили баҳорда экиш учун 400 тоннадан кўпроқ уруғлик дон жамғарилди. Яна бир ютуғимиз шу бўлдики, ғалладан юқори ҳосил олиш туфайли чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамладик, маълум миқдорда эҳтиёт фонди ташкил қилдик.

Хуллас, хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунлаяпмиз. Шуни айтиш керакки, уруғ-ҳосилнинг хамиртуруши. Биз арпа, бугдойдан етарли миқдорда уруғлик ажратдик. Эндиги муҳим вазифа уни кўз қорачиғидек сақлаш, кузги ғалла экишни қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказиш, баҳорда экиладиган арпа уруғини эса махсус омборларда аъло даражада сақлашдан иборат.

Кўп йиллик ғаллачилик тажрибаси шуни кўрсатдики, кузги ғалладан баҳорги ғаллага нисбатан гектар бошига 6—7 центнердан, куп ҳосил олинади. Бунинг боиси бор. Кўзда экилган ғалла тупроқнинг табиий намига бир текис униб чиқади, ёнгинарчиликдан баҳра олиб ўсади. Қишда қор остида қолган ўсимлик узини яхши тутиб олади ва баҳорда ривожланади.

Биз июль ойининг бошларида ҳамма ғаллани ўриб-ярчиб олган эдик. Ўримда Ҳасан Муллаев, Сирож Умаров, Тўрабой Пирназаров, Усмон Ёров, Музаффар Дадахўжаев каби комбайнчиларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишладилар. Уларнинг ҳар бири 500—600 тоннадан донни ярчиб берди. Ўрим тугалланиши билан ғалла пайкалларни дарҳол чуқур шудгорланди, минерал ва органик ўғит билан озиқлантирилди.

Биз кузги ғалла экишни тез ва соз ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширмоқдамиз. Жумладан, кузги бугдой экишни 5 октябрда бошладик ва бу муҳим ишни октябрнинг иккинчи ўн кунлигида тўла тугаллаймиз. Гектарларнинг тўла, кучат сонининг бут бўлишига алоҳида эътибор берамиз. Сеялкалар сифатли ремонт қилинган, маромида ишлаяпти. Ер тайёрланиши билан дарҳол уруғ қадалаяпти. Кейинги кунларда бўлиб ўтган ёғингарчилик уруғнинг тупроқ қатламига яхши жойлашиб олишига ёрдам беради.

Мутахассислар ва тажрибакор деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, ҳар гектар майдонга 150—160 килограмм арпа ёки бугдой уруғи сепишни лозим топдик. Барча ғаллачилик бригадалари, сеялкачиларга шу асосда кўргазма берилди. Экишнинг сифати устидан агрономлар назорат олиб боришади.

Сеялкаларни мунтазам икки сменада ишлатамиз, кунлик графикнинг камида бир ярим-икки ҳиссса бажарилишини таъминлаймиз. Ҳозир ғаллазорларимизда 10 та ғалла экадиган сеялка ишлаб турибди, ҳар бири билан кунига пландагидан анча кўп яъни 15-16 гектардан майдонга кузги ғалла экишяпти. Гаффор Усмонов, Бегмат Ҳаитматов, Қодир Омонов каби сеялкачиларимиз кунлик графикни бир ярим-икки ҳиссага етказиб оажаришяпти, ишда сифатга алоҳида аҳамият берилмоқда. Сеялкаларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмаяпти.

Биз бутун резервларни ишга солиб, кузги ғалла экишни тез фурсатда тугаллаймиз, гектаридан камида 18—20 центнердан ғалла хирмони кўтариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Ғаллакорлар орасида социалистик мусобақани кучайтирамиз, уларнинг унумли ишлашлари учун етарли маданий-маиший шароит яратиб берамиз, илғорларни рағбатлантирибор борамиз.

Тожибой РИЗАЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози раиси.
Суннат РЕЖАМАТОВ,
партия ташкилоти секретари.
Файзулла ФАТҲУЛЛАЕВ,
бош агроном.
Тўрабой ПИРНАЗАРОВ,
комбайнчи.

Навбат мажбуриятга

Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари Қашқадарё воҳасида иккинчи бўлиб маррага етиб келдилар. Улар минг гектар майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтардилар. Хўжаликнинг 20 бригадасидан 15 таси планни ошириб бажарди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Бердиев етакчилик қилаётган бригада ҳар гектар ердан 42 центнердан, Рўзмон Турдиев, Знёд Эшназев, Бобоназар Мелиқулов, Холмамат Ашуров ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда эса 35—40 центнердан хосил йиғиб олинди. Бу бригадаларнинг пахтакорлари ҳосилдорликни 50—55 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қиляптилар.

Шаҳрисабз районидаги йирик пахтакор хўжалик — Энгельс номли колхоз пахтакорлари катта ғафар қучдилар. Хўжалик пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажаришди. Онабошчилигидаги комсомолёшлар бригадаси коллективи вага тегишлидир. Бу ерда ҳар гектар ердан 135 центнердан ҳосил олинди.

Республика қишлоқ меҳнатчилари ўз тажрибаларида маккажўхоридан янада юқори ҳосил олиш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Шу кунларда янги-янги майдонлар маккажўхорига ажратилянти. Амударёнинг қуйи оқими районларида ботқоқ ва шўрхок ерлар кадимдан бу экин етиштириш учун ноқулай деб ҳисобланиб келинар эди. Бригада бошлиғи Ш. Юсупова ва унинг дўстлари ўзгача қарорга келишди. Авваллари чангалзор ва қамишзорлар бўлган жойларда ҳозир маккажўхори плантациялари барпо этилди. Бригада аъзолари ерни ҳайдаб, шўрини ювиб, яхшилаб озиқлантирдилар. Табиийки, даставвал маккажўхори ҳозиргидек мўл ҳосил бермади. Вақт ўтгач, ҳосилдорлик оша бориб, гектаридан 110 центнерга етди Ш. Юсупова бошлиқ бригада Қорақалпоғистон Автоном Республикасида биринчи бўлиб мажбуриятни бажарди.

Республикада 80-90 центнерлик ҳосил энг юқори ҳисобланарди. Энди эса, бу Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларидаги серҳосил майдонларда бошқа жойларда ҳам ўзбек маккажўхорикорлари учун оддий марра бўлиб қолди. Андижон, Самарқанд, Жиззах областларидаги кўпгина колхоз ва совхозлар бу маррадан ўзиб кетишди. Ҳар гектар ердан 100 центнердан «кахрабо дон» олишга эришишни республикадаги қатор районлар деҳқонлари мақсад қилиб қўймоқдалар. Умуман, Ўзбекистон бўйича маккажўхори ҳосилдорлиги 61,7 центнерга кўтарилди. Шуни айтиш керакки, маккажўхори учун республикада деярли 114 минг гектар майдон ажратилган. Баракахирмонларига 705 минг тонна маккажўхори дони юклади. Бу — ўтган йилдагига қараганда 285 минг тонна кўпдир.

Маккажўхори Ўзбекистонда пахтадан сўнг иккинчи экин бўлиб қолди. Қишлоқ меҳнаткашлари келгуси йилда янада кўпроқ ҳосил етиштиришни мўлжалламоқдалар.

И. МУҚИМОВ,
«Правда» мухбири.
Ўзбекистон ССР.
(«Правда», 13 октябрь).

ҲОСИЛ ЭСТАФЕТАСИ

ПАХТА БИЛАН БИР ҚАТОРДА

Шўрўзак аталмиш яқиняқин вақтларгача ботқоқ ва шўр босиб кетган ерларда етиштирилган дастлабки экин маккажўхори эди. Маккажўхори бамисоли ерга «табиблик» қилгани учун мелиораторларнинг яхшигина ёрдамчиси бўлиб қолди.

— Маккажўхори бизда пахтага йўл очиб беради, — дейди Сирдарё области Боғошилов районидаги Қуйбишев номли колхозининг бригада бошлиғи Ж. Пўлдошев. — Унинг ўзи жуда серҳосилдир. Мана, ҳосили ўриб олинган майдон. Ҳар бир гектар ердан 40 центнердан маккажўхори дони олиш мўлжалланган эди, ҳосил эса, кутилганидан анча — 101,8 центнер бўлди.

Бугина эмас, ана шу майдонлардан дондан ташқари яна гектаридан 200 центнерга яқин силосбоп кўкпоя ҳам олинди. Майдонларнинг айрим участкаларида маккажўхори билан бирга мўлкўл хашак лавлаги ҳам етиштирилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бригада колективига табрик хати йўллади. Унда шундай деб айтилган: «...Маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш ишида сизларнинг ажойиб муваффақиятларга эришганлигингизни эшитиб, астойдил хурсанд бўлдим. Коллективингиз эришган бу ғалаба мамлакатимиз меҳнаткашларининг партия XXV съезди қарорларини рўёбга чиқаришга қаратилган муштарак куч-ғайратига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Азиз ўртоқлар план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда сизларнинг янги муваффақиятларга эришувингизни тилайман».

Л. И. Брежневнинг мактубига жавобан бригада коллективи янги юксак маррани келгуси йилда ҳар гектар ердан 110 центнердан маккажўхори дони олишни белгилади.

Ўзбекистонлик кўпгина маккажўхорикорлар юқори ҳосил олишга эришдилар. Термиздаги «Қизил юлдуз» колхозининг Т. Қулсоатов бригадаси ҳар гектар ердан 120 центнердан дон етиштирди. Ҳосил йиғиб олингандан сўнг, ерни ҳайдаб, уруғ экишди. Майдонларда яна ниҳоллар ўсиб чиқди. Эндиги маккажўхори силос учун ўриб олинади. Самарқанд область Пайариқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг А. Беркинов бошлиқ бригадасида янада юқори ҳосил — гектаридан 125 центнердан дон олинди.

Ҳозирча рекорд Қашқадарё области. Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг Г. Нуриллаева Ватан хирмонига 6500 тонна саноат хом ашёси армуғон этилди. Давлатга етказиб берилган ҳосилнинг 3,5 минг тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Планнинг муддатидан илгари бажарилишида машиналар муҳим роль ўйнади. Далаларда 28 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилди.

Пахтакорлар ялпи ҳосилни 8 минг тоннага етказиш, зиммага олинган мажбуриятни 20 октябргача ошириб бажариш мақсади билан меҳнат қиляптилар.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОСОНСОЙДА БИРИНЧИ

НАМАНГАН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Областда пахта теришга ва тайёрлашга қизиб бормоқда. Пахтакорлар кечаги кунларда юз берган об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор бартараф этиб, ғалаба маррасига сари яқинлашиб келмоқдалар. Куни кеча Косонсой районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари улкан ғалабани қўлга киритдилар. Ота-Ватанга 2100 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Шунингдек уруғлик пахта тайёрлаш ва машина терими топшириқлари ҳам ошириб уладланди. Хўжалик аъзолари яна бир минг тонна пахта ҳозирлаш, ялпи пахтани 3100 тоннага, ҳосилдорлик кўрсаткичини эса 50 центнерга етказишга сўз бердилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

БУЛУНҒУР УЗУМИ

КРАСНОГВАРДЕЙСКИЙ, (Совет Ўзбекистони» мухбири). Булунғур райони мирзакорлари бу йил мўл-кўл узум етиштиришга. Боғларда узум узиш авжида. Шунинг учун ҳам совхозлар бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекмоқдалар. «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхози боғбонлари биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Эл дастурхонига йиллик пландаги 3800 тонна ўрнига 4500 тонна ширин-шакар узум топширилди. Совхознинг Ш. Баҳромов, М. Бекбоев, М. Эрназаров бошлиқ бригадалари планни қарийб бир ярим баравардан адо этишди.

Булунғур районидаги Фозил Йўлдош номли совхоз боғбонлари қабул пунктларига 7500 тонна узум етказиб бериб, планни бажардилар. Коллектив давлатга яна камида минг тонна узум топширишга аҳд қилди. Совхоз боғбонлари Москва, Ленинград, Сахалин, Узоқ Шарқ ва Совет Иттифоқидаги бошқа саноат марказларига 987 тонна мева, 1790 тонна узум жўнатдилар.

— Мирзакорларимиз, — деди совхоз директори Б. Жамолиддинов, — янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига узум майдонини тобора кенгайтирмоқда. Ҳозир токзорларимиз 839 гектарни ташкил этади. Асосий қисми ҳосилга кирган. Биз илғорлар тажрибаси асосида токларни ишкомларга олиб кўтармоқдамиз. Келгусида узумдан ва мевадан юқори ҳосил етиштириб, ихтисослаштирилган хўжалигимиз бойлигини янада оширамиз. Совхоз ўтган йили 347 минг сўм соф фойда қилган эди, бу йил 500 минг сўмдан ошиб кетади.

Самарқанд областида энг кўп узум етиштирадиган «Булунғур» совхози ҳам куни кеча маррани эгаллади. Совхоз сохибкорлари катта майдонлардан тайёрлов ташкилотларига 9450 тонна узум топширдилар.

Узумчилик ва мевачиликка ихтисослаштирилган Булунғур райони бугунгача қабул пунктларига 32 минг тоннадан кўпроқ узум топширди. Йиллик план эрта-индин бажарилади.

Л. ЭРГАШЕВ.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

БИЗНИНГ СУҲБАТ

О Л Қ И Ш

В. САНАЕВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати

— Бошқа бир халқ ижодкорлари билан устозу шогирд тутинганлар, улар билан мунтазам ижодий алоқада бўлганлар доимо ютган, ҳеч вақт ютқазган эмас. Буни биз ўзбек санъаткорлари билан бўлган бордикелдимизда равшан кўриб, қалбдан чуқур ҳис этиб турибмиз. Маданиятининг илдизи қадим-қадимларга бориб тақаладиган ўзбек халқининг ҳозирги кунда ҳам Иттифоққа, қолаверса, жаҳонга таниқли адабиёт ва санъат арбобларн бор. Уларнинг ижоди ўзига хослиги, оригиналлиги ва бетакрорлиги билан кўп миллатли маданиятимизда муносиб ўрин тутади. Биз, Россия санъаткорлари улар билан узлуксиз алоқада бўлиб келамиз, ўргатамиз, ўрганамиз. Тажрибаларимиз билан ўртоқлашамиз, ютуқларимизни баҳам кўрамиз. Худди шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистонда ўтаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунларини олқишлаш керак. Бу маданият байрами аввалги адабиёт ва санъат кунларидан кейинги ўтган давр ичида амалга оширилган ишларимизни, ютуқларимизни, келажак режаларимизни қардош дўстларимиз билан биргаликда таҳлил қилиш имкониятини берди.

Ўзим киночи бўлганлигим учун ўзбекистонлик ҳамкасбларим ва уларнинг ижоди ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Ўзбек кинематографияси сўнгги йилларда катта ютуқларни қўлга киритди. Унинг довруғи эндиликда жаҳоннинг турли бурчакларидан баралла эшитилиб турибди. Шубҳасиз, бу «оқ олтин» ўлкаси кино санъати намояндаларининг ҳизмати туфайлидир. Биргина мисол: кинорежиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний» фильми Тошкентда ўтган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестивалида катта шовшувларга сабаб бўлди. Бу ёркин асар ҳозирги кунда дунё экранларида шаҳдам қадамлар билан кезиб юрибди. Бундан биз, РСФСР санъаткорлари ҳам фахрланамиз. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбек кинематографчиларининг ташаббуси билан ташкил этилган Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро кинофестивали эндиликда анъанага айланиб, жаҳон кинематографиясининг энг нуфузли анжуманларидан бири бўлиб қолди. Бунинг ёркин исботи сифатида Тошкент халқаро фестивалига Латин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг кўнгилли равишда қўшилганликларини эслаш кифоядир.

Ҳафталик программасида республикамиз киностудияларида сўнгги йилларда яратилган фильмлар фестивалини ўтказиш кўзда тутилган. Фестивалга тақдим этган асарларимиз ўзбекистонлик кино мухлисларга манзур бўлса, ўз ишимиздан мамнун бўлур эдик.

С И З Л А Р М А М Н У Н Б Ў Л И Н Г Д Е Б

А. ПОЛЕТАЕВ,
«Боян» рус камер оркестрининг бадиий раҳбари, РСФСРда хизмат кўрсатган артист.

— Саховатли, серқуёш Ўзбекистон ансамблимиз қатнашчилари учун қадрдон ўлка бўлиб қолди. Биз пахтакор диёр пойтахтига учинчи марта ташриф буюриб турибмиз. Дўстлик шаҳри Тошкентга келган кунимизок оғалик, қардошлик нафасини ҳис этдик. Ҳамиша очиқ чеҳрали ўзбекларнинг қўшиқ-куй шайдоси эканини биз яхши биламиз. Ўйлаймизки, адабиёт ва санъат кунлари баян садоларини янгратиб қўшиқчиларимизнинг гоҳи ҳазил, гоҳи шўх овоз таратиши сиз азиз ўзбекистонликларни мамнун этади.

Бу сафар икки қардош халқ — рус ва ўзбек эли бузилмас дўстлигининг тимсоли сифатида ўтаётган ҳафталик кезларида намойиш этиш учун янги программа билан келганмиз. Ансамблимиз репертуарида хор қўшиқлари, совет композиторларининг асарларидан намуналар, рус халқ қўшиқлари, ҳазил термалар ҳамда ҳозирча «сир» бўлса ҳам айтишим мумкинки, ўзбекча омавий қўшиқлардан бири бор. «Боян» ансамбли ижросида, жумладан, «Рус фантазияси», «Триптих», «Краковяк», «Коробейники» сингари қўшиқлар ижро этилади. Ансамблимиз Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳри Самарқандда, энг жанубий чегарасидаги Термизда, ҳозирги кунда улкан қурилишлардан бирининг маркази бўлиб турган Қаршида концерт номерлари кўрсатади.

ҚАЙСИН ОҒА ДАФТАРИДАН...

Кабардин-балқар халқларининг энг севимли шоирларидан бўлмиш Қайсин оға Қулиев Иттифоқимизда машҳур. Унинг шеърларидаги самимият ўзидаги, зуваласидаги самимиятдан олинган. Бу шоир дил-дили билан, бутун вужуди билан интернационал одам. Унинг шеърларини оригиналда, яъни ўз тилида ўқилса, ўзбек китобхони учун тушунарли.

Шу кунларда Россия Федерацияси адабиёти ҳафталигида Қайсин оға ҳам иззатли меҳмонимиз. Фақат меҳмонимиз эмас, балки дўстимиз, адабиётимизнинг тарғиботчиларидан. Қуйида Қайсин Қулиевнинг шеърларидан намуна берамиз.

Сен дейсанким, кўҳнадир дунё,
Бу гапингга топарманми гап?
Қара: юлдуз сочмоқда зиё,
Аввалгидай ёниб, парпираб.
Баҳор билан дов-дарахт гуллар,
Гуллагандай гўёки илк бор.
Япроқчалар майин шовуллар,
Куйлагандай гўёки илк бор.
Ҳамманинг ҳам ўз дарди афсал,
Ҳар кимда ғам юки бир дунё.
Бирор одам ташвишни аввал
Сезмагандай бунчалик гўё...
Эски сўз йўқ, бўлмайди мутлоқ,
Жон олиб, жон берса — янгилик.
Уйсизларга бошпана бермоқ,
Очларга нон бермоқ — янгилик.

* * *

Шеър ёзилмас шон-шараф учун,
От ҳам учмас олий деб совриндан.
Тўхтар фақат тизгинни тортсанг,
Е йиқилса босмай ҳовирин.
Шон-лаҳзалик, баайни шамол —
Деразангни чертгани мисол.
Текин сайрар баҳорда булбул,
Қувончидан вужуди титраб.
Дарё оқар энин суғориб,
Мукофотни этмасдан талаб.
Ҳаёт—ҳақдир, шараф — бемаъно,
Ел ўчирган гулхандир гўё.
Текин гуллар, яшнар уфқлар,
Ясанишиб аввал баҳордан.
Биз мукофот бермасак ҳамки,
Тоғлар бошн ярқирар қордан.
Ҳаёт—ҳақдир, шараф—бор биз учун
Омонат қор турар-ку бир кун...

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Суратда: «Воронеж қизлари» ансамбли солистлари. А. Тўраев фотоси.

● РСФСР САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАР ●

ЎЛКАМИЗДА ҚАРДОШЛАР ШЕЪРИЯТИ ЯНГРАМОҚДА ●

АЗИЗ МЕҲМОНЛАР ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИДА

ВОРОНЕЖ ОҲАНГЛАРИ

«Воронеж қизлари» вокаль ансамбли Россия Федерациясининг ёш ижодий коллективларидан бири. Унинг состави ҳам йигирмачаккина: бор-йўғи олтита барно рус қизи — Люба Медведева, Анна Ковригина, Тоня Лихоляева, Вера Беляева, Наташа Моисеенко, Нина Дмитриева ва икки баянчи йигит-бадиий раҳбар Вячеслав Скотников ва концертмейстер Владимир Ковригинлардан иборат. Ансамбль қатнашчилари Воронеж областидаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидан ва профессионал хор коллективларидан конкурс билан танлаб олинган. Воронеж ансамбли 1966 йилда ташкил топган бўлиб, энди-гина ўн ёшга тўлди. Бироқ мана шу қисқа давр ичида у катта шуҳрат қозонди. 1968 йилда Болгария Халқ Республикасининг пойтахти София шаҳрида ўтказилган IX жаҳон ёшлари фестивалида қатнашиб йигирмаларни рус қўшиғи билан маҳлиё қилди, ансамбль халқаро конкурс лауреати унвонига сазовор бўлди. 1971 йилда эса эстрада артистларининг Бутуниттифоқ IV конкурсида ҳам «Воронеж қизлари» ғолиблардан бири деб тан олинди.

Ансамбль Бутуниттифоқ санъат мухлисларига яхши таниш. Унинг қўшиқлари марказий телевидение ва радио эфири орқали тез-тез жаранглаб туради. Биз ўзбекистонликлар ҳам Воронеж қизларининг дилрабо ижросида «Ой, да ты калинушка», «Черемушка» каби машҳур рус халқ қўшиқларини, совет композиторларидан Никитиннинг «Шафақлар», Левашевнинг «Қиш», Захаровнинг «Денгизчилар» каби қўшиқларини неча бор севиб тингланганмиз. Юқорида тилга олинган қўшиқлардан аён бўлиб турибдики, «Воронеж қизлари» ансамблининг репертуарида рус фольклори асарлари ва ҳозирги кун совет композиторлари қўшиқлари етакчи ўрин тутади.

«Воронеж қизлари» ансамбли — республикамизда ўтказилаётган мамлакат чемпионати — «Социалистическая индустрия» газетасининг соврини учун баҳс тобора қизғин тус олмоқда. Мусобақанинг уч босқичида маррага биринчи бўлиб келган РСФСРнинг биринчи терма командаси аъзоси А. Аверин Фарғона — Жалолобод йўлида сусткашлик қилиб қўйди. Бу маршрут тўртинчи босқич бўлиб, 184 километрни ташкил этарди. Ярим йўлгача кучлар тенг келиб турди. Кейин тоғлик йўлдан ўтишда москвалик Е. Сметанин ўзини кўрсатди. Аммо, Уш шаҳри нўчаларидаги пойгада эса, олимпиада чемпиони, ўтган йилги чемпионат ғолиби эстониялик Ааво Пикуус ўз тажрибасини ишга солиб, маррага биринчи бўлиб келди. Иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни қирғизистонлик Г. Миронов билан итвалик А. Моцкус эгаллашди. Умумий ҳисобда ҳамон А. Аверин пешқадамлик қилмоқда. Энди велосипедчилар Жалолобод — Андижон шаҳарлари оралиғида куч синашадилар.

БИРИНЧИ ДАВРАДА

ШАҲМАТ. Италиянинг Варесей шаҳрида уч гроссмейстер — Тигран Петросян, Михаил Таль ва Лайош Портиш ўртасида қўшимча мусобақалар ўтказилмоқда. Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар баҳсида иштирок этиш учун икки йўлланма берадиган бу мусобақанинг биринчи давраси тугади. Ҳозирча Т. Петросян — 1,5 очко, М. Таль — 1 очко ва Л. Портиш — 0,5 очко тўплаб туришибди.

МИРЗАЧЎЛ УЗРА РУС ДАЛАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШИҚЛАР

ГУЛИСТОН, 14 октябрь. (ЎзТАГ). Кеча Ўзбекистон ССРда РСФСР адабиёти ва санъати кунларининг иштирокчиларидан РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. И. Кочемасов бошчилигидаги катта бир группаси мирзачўлликлар ҳузурида меҳмон бўлди. Сирдарё районининг меҳнаткашлари меҳмонларни қизғин ва самимий кутиб олдилар. «Малик» совхозининг маданият саройида дўстлик митинги бўлиб ўтди.

Совет Иттифоқи халқлари дўстона оилада аҳил бўлиб яшамоқдалар, ўзбек диёридаги ҳозирги байрам бунинг тағин бир ёркин далилидир. СССР халқ артисти Юлия Борисова шу ҳақда гапирди. Бизнинг асримизда, деди у, кишини ҳайратда қолдириш амри маҳолдир. Шунга қарамай Мирзачўлни гуллаб-яшнаган ўлкага айлантиришда эришган ажойиб муваффақиятларингиз кишини ғоят қойил қолдиради. Улкан ва олижаноб меҳнатингиз учун катта раҳмат!

Кино артистлари В. Санаев, П. Глебов, «Малик» совхозининг директори М. Красильников митингда сўзга чиқдилар.

Шундан кейин меҳмонлар совхознинг музика мактабида бўлишди. Композитор Я. Френкель бу ерда ўқувчиларга қадрдон ер тўғрисида ҳамма яхши кўриб қолган «Рус даласи» қўшиғини айтди.

Россия Федерациясининг намояндалари СССР Олий Советининг депутати Т. Қирғизбоева бошлиқ пахтачилик звеносида ҳам бўлишди. Бу коллектив меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб, ҳозир гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун муваффақиятли курашмоқдалар.—Россия Федерацияси вакилларининг бу ерга келиши, — деди «Малик» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. К. Комаров, — ҳаммамиз учун катта байрамдир. Азиз меҳмонларимизга ижодий меҳнатларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Гулистон советлар уйининг катта залида дўстлик митинги бўлиб ўтди. Меҳмонларни Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров табриклади. Бу митинг Россия Федерацияси санъат усталарининг байрам концерти билан тугади.

*

*

Суратларда: 1. Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошева ва звено бошлиғи Николай Комаров ўртоқлар азиз меҳмонларни нон-туз билан қабул олаётган пайт. 2. РСФСР адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари Сирдарё областидаги «Малик» совхози далаларида.

А. Горокрин фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АССАЛОМ, СЕРГЕЙ БОБОМИЗ!

Ассалом, Сергей бобом,
Сўз чаманида боғбон.
Эшитдик ташрифингиз,
Дилимизда шеърингиз.
Шодликдан тўлиб-тошдик,
Кўргандек яйраб ошдик.
Дил меҳрингиз қуёшдек,
Шеър сўзингиз йўлдошлик.
Оламга нўзи-қошлик.
Ер юзи боласига
Ҳаммасин хонасига
Етиб борган отажон.
Меҳрингиз жони жаҳон.
Келишингиз чиройли,
Кўришимиз чиройли.
Нур чеҳрангиз офтоб, ой,
Сўзларингиз қаймоқ, мой.
Қўлингиз ойга етган,
Оёғингиз ёйдек улкан.
Стёпа қоматингиз,
Космонавт қанотингиз.
Эл боласин ардоқлайсиз,
Чор уфқни қучоқлайсиз.
Дилбар куйингиз тонгда
Жарангласа ҳар онда,
Кўнглимиз қайнар-тошар,
Меҳримиз қалбдан ошар.
Кўрсак дердик ўзингиз,
Ўзингиз нақ сўзингиз.
Дил орзумизга етдик,
Азиз қўлингиз тутдик.
Ҳуш келибсиз отажон,
Меҳрингиз жону-жаҳон.
Мафтун этган борлиқни,
Шоён дўсти ёрлиқни.
«Табиатчи ёш ўғлон»,
Тарбиятчи бош ўғлон.
Ёш ўғлон қуёш ўғлон,
Оламга кўз-қош ўғлон.
Уша ўғлон бизлармиз,
Ленинчи юлдузлармиз.
Табиатдек тўламиз,
Коинотдек бўламиз.
Ҳуш келдингиз отажон,
Меҳрингиз олам-жаҳон.
Ассалом, Сергей бобом,
Сўз чаманида боғбон.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАЙТА ТУҒИЛДИМ

Сени йиллар давомида қийнаб келаётган дарддан халос қилган, ўлим чангалидан олиб қолган кишиларга қандай миннатдорчилик билдирса бўлади?..

Мен икки йил давомида ҳеч нарса ел олмай, қийналиб юрдим. Бир ҳафта уйда бўлсам, бир ой касалхонада бўлардим. Ниҳоят, операция куни ҳам етиб келди. Операция кутилмаган пайтга, яъни туғилган кунимга тўғри келди. Мени ана шу оғир хасталикдан область касалхонасининг хирургия бўлими шифокорларидан Машариф Ниёзметов, Бобожон Отажонов ва Ражаббой Аҳмедовлар халос этишди. Уларга: «Сизларнинг кенг юракларингиз инсонлар учун ҳамиша уриб турсин!» — дейман. Бундан кейинги операцияларида уларга муваффақиятлар тилайман.

Роза МАТКАРИМОВА,
Урганч шаҳри.

СПОРТ

ЧЕМПИОННИНГ МАҲОРАТИ

ВЕЛОПОЙГА. Кўпкунлик велосипед пойгаси бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионати — «Социалистическая индустрия» газетасининг соврини учун баҳс тобора қизғин тус олмоқда. Мусобақанинг уч босқичида маррага биринчи бўлиб келган РСФСРнинг биринчи терма командаси аъзоси А. Аверин Фарғона — Жалолобод йўлида сусткашлик қилиб қўйди. Бу маршрут тўртинчи босқич бўлиб, 184 километрни ташкил этарди. Ярим йўлгача кучлар тенг келиб турди. Кейин тоғлик йўлдан ўтишда москвалик Е. Сметанин ўзини кўрсатди. Аммо, Уш шаҳри нўчаларидаги пойгада эса, олимпиада чемпиони, ўтган йилги чемпионат ғолиби эстониялик Ааво Пикуус ўз тажрибасини ишга солиб, маррага биринчи бўлиб келди. Иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни қирғизистонлик Г. Миронов билан итвалик А. Моцкус эгаллашди. Умумий ҳисобда ҳамон А. Аверин пешқадамлик қилмоқда. Энди велосипедчилар Жалолобод — Андижон шаҳарлари оралиғида куч синашадилар.

БИРИНЧИ ДАВРАДА

ШАҲМАТ. Италиянинг Варесей шаҳрида уч гроссмейстер — Тигран Петросян, Михаил Таль ва Лайош Портиш ўртасида қўшимча мусобақалар ўтказилмоқда. Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар баҳсида иштирок этиш учун икки йўлланма берадиган бу мусобақанинг биринчи давраси тугади. Ҳозирча Т. Петросян — 1,5 очко, М. Таль — 1 очко ва Л. Портиш — 0,5 очко тўплаб туришибди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

БОР БЎЛСИН УЧРАШУВ АЙЁМЛАРИ

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

РСФСР адабиёти ва санъати кунлари давом этаётган шу қутлуғ кезларда мен унутилмас ҳамда илҳомбахш учрашув хотираларимдан бир шингилини айтиб бермоқчимэн. Улуғ қаламкаш устозлар билан учрашув онлари накадэр файзли ва унутилмасдир. Бир вақтлар мени меҳрибон устоз шоиримиз, Ёзувчилар союзимизнинг ғамхўр раиси, марҳум Ҳамид Олимжон ўз ҳузурига чақириб, фарзандларимизнинг машҳур шоири Корней Чуковский билан учраштирганлари ҳамон хотирамда.

Уша кезлар устоз Корней бобомизнинг ажойиб ва мўъжизакор шеър ҳамда эртакларини изчил кузатиб, ўқиб юрэр эдим. Айнан ўзларини кўрэр эканман, бир олам ҳаяжон оғушида қолдим. Шунда меҳрибон устоз менга нозик меҳр ва илтифот назарлари билан қараб, «Шоиржон, кўнгил дафтарингиздаги ўзингизга мақбул бўлган шеърларингиздан бирини ўқинг-чи» дедилар. Севинчим юрагимга сиғмай кетиб, завқ-шавқ билан «Сандал печка» номли шеъримни ўқиб бердим. Гарчи, мен шеъримни ўз она тилимда ўқисам ҳам, назаримда, ҳассос қаламкаш унинг маъносига тушундилар. Буни мен устознинг самимий назарларидан тўла-тўкис ҳис этиб турар эдим.

Ўзбек совет адабиёти ҳафталиги муносабати билан жонажон пойтахтимиз Москвага борганимиз кезида устозларимдан С. Маршак билан СССР Ёзувчилар союзи биносидаги учрашувимиз ҳам ғоятда ўрнакли, ажойиб, қизиқ бўлганини эслайман. Маршак менинг 4-5 нафар катта-кичик шеърларимни таржима этган эдилар. Уша шеърларим табиатимда мени кўрган онларида «Точно это он» деган дониш сўзлари юрагим тўрида битиб қолган.

Менинг тўрт-беш шеърий сўзларим орқали бутун борлиғимни кўролган устоз назарларининг ўткирлигига қойил қолганман, унга тасаннолар айтганман.

Ҳудди шунингдек, меҳрибон устод шоир Сергей Владимирович Михалков билан ҳам кўришар эканман, у киши қўлтиқларидаги «Саховатли боғбон» китобчамни кўрсатиб, «Ана, саховатли боғбоннинг ўзлари — Муҳаммадий» деб айтганлари ҳали эсимда. Ўшандан бери дил меҳрим устозга тушиб, матбуот саҳифаларидан у кишининг ҳар бир катта-кичик асарларини ихлос билан ўқиб ва уқиб, уларнинг биз қанчаларини севиб таржима қилиб келмоқдаман.

Мана, бугун эса азиз устозимизнинг ўзлари атайлаб Ўзбекистонимизга ташриф буюрибдилар. Бу — накадар соз! Улкан совет адабиёти намояндалари билан учрашув айёмлари қалбимизни офтобдек яшнатиб юборди. Хуш келибсиз, азиз устозлар!

Қадрли Сергей Владимирович! Совет Ўзбекистонининг жажжи ўқувчилари тилидан сиз бобокалон шоиримизга бағишланган табрикнома шеърни ҳамқалам биродарингиз Қуддус Муҳаммадийдан деб билгайсиз ва офтоб нуридек иссиқ саломимизни қабул қилгайсиз.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — «Китоб — сенинг ҳаётингда». 11.15 — **«Сибирь»** (бадиий фильм, 5-серия). 12.25 — Миллионлар ленинча университети. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Жонажон мамлакатимиз бўйлаб». 16.10 — «Ихтирочи». 16.40 — **«Бронза қуш»** (бадиий фильм, 3-серия). 17.45 — «Москва ва москваликлар». 18.15 — «Планета ёшлари». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 **«Петя ва бўри»** (музикали фильм). 19.50 — «9-студия» кўрсатувлари. 20.50 — **«Сибирь»** (бадиий фильм, 6-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Оперетта шинавандаларига. 23.35 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **«Этин»** (бадиий фильм). 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — **«Яшил қарағайзор сири»** (бадиий фильм). 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 19.30 — **Ахборот.** 19.50 — Телеочерк. 20.20 — **Ахборот.** 20.50 — Телевизион театр. А. ГЕЛЬМАН. **«Мукофот».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Спектаклнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — СССР халқ артистаси В. Марецкаянинг ижодий портрети. 20.30 — Тошкент янгиликлари. 20.45 — Реклама. 21.00 — Пахтакорлар хизматида. 21.30 — **«Турнахон»** (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/X да **Князь Игорь** (СССР халқ артистлари Борис Штоколов ва Константин Плужниковлар қатнашади), 16/X да **Оққуш кўли** (халқаро балет артистлари конкурсининг лауреати Валентина Ганибалова ва Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ражаб Абдиев қатнашади).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/X да **Ун сакиз ёшлигим,** 16/Хда **Фақат ақл сотилмайди** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССР да хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревю гастроллари** (15.00 ва 19.30).

Кино

Трин-трава — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 14, 16, 18, 20, 21, «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21), «ЧАЙКА» (21.45), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир-биримизга муносибмизми, жонгинам? — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бошсиз чавандоз — «ЧАЙКА» (14, 18, 20).

● МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: сиёсий иқтисод (профессор, фан доктори);

кафедра доцентлари: фармакология, биохимия (доцент, фан кандидати);

кафедра катта ўқитувчилари: физиотерапия ва даволаш физкультураси, органик химия;

кафедра ассистентлари: биринчи даволаш факультетининг акушерлик-гинекологияси (5), иккинчи даволаш факультетининг факультет терапияси, госпиталь-хирургик стоматология, коммунал гигиена (2), микробиология, топологик анатомия билан оператив хирургия;

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР:

илмий-медицина информацияси бўлими — КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ (фан кандидати), **КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ** (2);

марказий илмий-тадқиқотчилик лабораторияси мудири (фан кандидати);

экспериментал терапия ва моделлаштириш группаси — РАҲБАР (фан кандидати), **КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ** (2), **КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ** (2);

морфология группаси — РАҲБАР (фан доктори, фан кандидати), **КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ** (фан кандидати), **КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ;**

биология ва иммунология группаси — КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ (2);

проблемали илмий-текшириш лабораториясининг биохимия ва иммунология группаси — КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-33, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти; № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 13408. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 242.